



БҲЮРТМАЧИ:

«ХУДУДГАЗ АНДИЖОН» ГТФ

**«Худудгаз Андижон» газ таъминоти
филиали тасарруфида бўлган
Суюлтирилган углеводород газ
миқдорларини ташувчи MAN TGS
26.400 ҳамда ISUZU NQR 71PL русумли
автотранспорт воситаларини жорий ва
мукаммал таъмирлаш ишларини
амалга ошириш бўйича техник хизмат
кўрсатувчи сервис (устахона)лар
ўртасида электрон танлов эълон қилиш.**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон шаҳри -2022 йил.

Танлов хужжатларининг мазмуни:

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

1. Умумий қисм

1.1. Ушбу танлов хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684 сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлов предмети: “Худудгаз Андижон” газ таъминот филиали тасарруфидаги Суёлтирилган углеводород газ миқдорларини ташувчи MAN TGS 26.400 ҳамда ISUZU NQR 71 PL русумли автотранспорт воситаларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан хизмат кўрсатувчини жалб қилиш.

1.3. Асос: “Худудгаз Андижон” ГТФ нинг 05.09.2022 йил кунги йиғилиш баёни.

1.4. Танлов қиймати (Шартнома)нинг охириги қиймати- **950 000 000 (Тўққиз юз эллик миллион) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5. Бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизмат турлари техник топширик танлаш хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

1.6. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

1.7. Танлов шакли – конверт шаклида (<https://eXarid.uzex.uz>)

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ХУДУДГАЗ АНДИЖОН” газ таъминот филиали, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили, 170100 Ўзбекистон, Андижон вилояти Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 1А уй

Реквизитлар:

ИНН: 306 605 769, МФО: 00076, Х/Р: 2021 0000 0051 1396 0039

АКБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Бунёдкор филиали.

Маъсул ходим- Қиличев Аброр тел: +998 99 972 1445

2.2. Шартномага масъул “Худудгаз Андижон” ГТФ

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган идоравий танлаш комиссияси томонидан конверт (<https://eXarid.uzex.uz>) шаклида ўтказилади.

2.4. Танлов “Худудгаз Андижон” ГТФ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, малакали мутахассис ва юқори иш тажрибали усталарга эга бўлган барча техник хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Таклифларни баҳолаш мезонлари: Таклифларни баҳолаш 3.2 бандда кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади, бунда ҳар бир мувофиқлик 1(бир) баллга тенг. Енг юқори балл тўплаган ташкилот ғолиб ҳисобланади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида дурганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви; нархларни бузиш ёки иштирокчиларни танлаш атижаларини бузиш мақсадида иштирокчилар билан олдиндан тил бириктириш; фирибгарлик; охталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлиши.

Агар ушбу ҳолатлар аниқланса, процедуранинг исалган босқичида танлаш тўхтатилиши (секур қилиниши) мумкин.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан етказиб бериш график қисми (етказиб бериш) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида шартнома тўражаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.

4.1. иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай оператор томонидан белгиланган форматларда такдим этади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, суратлар ва бошқа ҳужжатларни файл кўринишида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали такдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлаш ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва ҳужжатлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида ҳужжатларни бажариш шартлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа шунга боғлиқ кўрсаткичлар билан тилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган ҳужжатлар ва ахборотларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг аниқлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки иштирокчи киришишга ҳақли.

4.5. Таклифларни амал қилиш муддати 30 календар иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

4.6. танлов таклифлари _____2022 йилгача қабул қилинади.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1. Харид комиссияси танлаш учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат комиссия йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. танлов иштирокчилари тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардирлар. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюрмачиси билан ўрнатилган тартиб ва муддатларда шартнома имзолашга мажбурдирлар.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Давлат буюрмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида бир кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товар (иш ва хизматлар)ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюрмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан кўчирма олиниб, у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюрмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.